Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 10-yanvar, shanba, № 5 (3510)

Шердил ва ўтюрак йигитлар миллат кўрки, Ватан фахридир.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## М.Т.Эсановни Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Муҳиддин Турдиевич Эсанов** Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## З.Ш.Рузиевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Зафар Шаропович Рузиев** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Б.Т.Юсуповни Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Баходир Турсунович Юсупов** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## З.Т.Мирзаевни Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Зойир Тоирович Мирзаев** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Т.Н.Мамараимовни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Тожимурод Нормуродович Мамараимов** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## А.Т.Усмановни Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ахмад Тугилович Усманов** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Ш.М.Ганиевни Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Шухрат Мадаминович Ганиев** Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## П.Р.Бобожоновни Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Пўлат Раззақович Бобожонов** Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Ш.К.Абдурахмановни Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Шухратбек Кушақбаевич Абдурахманов** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## С.У.Исмаиловни Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Сайфиддин Умарович Исмаилов** Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Э.О.Турдимовни Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## О.Ш.Ашурматовни Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ойбек Шодмонкулович Ашурматов** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Р.Д.Усмановни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Рахманбек Джахангирович Усманов** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январ

**14 январ — Ватан ҳимоячилари куни**



## АСЛ ЎҒЛОНЛАРГА МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

**Урганч шаҳридаги ҳарбий-юридик йўналишдаги академик лицейда ўқувчи-ёшлар замон талаблари асосида билим олмоқда.**

Мамлакатимиз мудофаа қудратини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш ниятида ўқиб изланаётган бу ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун барча шароит яратилган. Ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва майдончалари, фан тўгараклари улар ихтиёрида. Ойда бир марта ўтказиладиган тест синовлари ўқувчиларнинг билим ва кўникмасини мунтазам таҳлил этиб бориш имконини бераётир.

Айни пайтда лицейда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Мардлар қўриқлайди Ватанни», «Муносиб издошлар бўламиз» каби ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

***Суратда:** Урганч шаҳридаги ҳарбий-юридик йўналишдаги академик лицейда.*

**Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган сурат**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 12 январ куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисига келган депутатлар 10-11 январ кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Самарқанд вилояти ҳудудидаги ҳарбий қисмлар ва ҳарбий билим юртларида маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, олимлар, кўпни кўрган оқсоқоллар иштирокида учрашувлар ўтказилди.***

## ҲАРБИЙЛАР ШАРАФЛАНДИ

Жомбой туманидаги ҳарбий қисмда ташкил этилган тантанани қисм командири, подполковник Иброҳим Мирвалиев кириш сўзи билан очди. ЎзКУФК раиси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Танзила Нарбаева ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими раиси, “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев мудофаа қудратимизнинг мустаҳкамлиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида доимо ҳушёр ва сергак турган ҳарбийларимизни яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари куни билан самимий қутладилар.

●○●●▶ 2

**Мутахассис минбари**

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Буни мустақилликнинг илк кунларидан то бугунги кунга қадар эришган ютуқларимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Халқаро ҳамжамият томонидан ҳам бу эътироф этилмоқда.***

## ҚОНУНЧИЛИКДА АКС ЭТГАН ИМТИЁЗЛАР аҳоли фаровонлигига хизмат қилади

*Жумладан, ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ва фермерлик тараққиётига мустаҳкам замин яратиш, бу борада амалга оширилаётган солиқ сиёсати эътиборга молик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ билан суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.*

***— Жорий йилдан бошлаб ижтимоий ҳимоянинг янада кучайтирилгани, қатор солиқ имтиёзларининг жорий этилаётгани барчанинг эътиборида. Ушбу жараён мазмун-моҳиятига кенгроқ тўхталиб ўтсангиз?***

— Аввало, таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларда ижтимоий соҳага, одамларнинг тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш асосий ўрин тутади.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида ҳам Ўзбекистон Республикасида 2015 йил 1 январдан амалга киритиладиган солиқ ва тадбиркорлик қонунчилигидаги имтиёзлар тўғрисида кенг тўхталиб ўтилди. Жумладан, 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтасар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб қолишига урғу берилди.

●●○●▶ 3

2015-yil 10-yanvar, shanba, № 5 (3510), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz







**Болалар — ҳар бир давлатнинг келажаги, эртанги кундан умидидир. Келажакда фарзандларимиз катта муваффақиятларга эришиши, эл-юрт учун муҳим хизматларни амалга ошириши учун бугундан ҳозирлик кўриш лозим.**

Пойтахтимизда болалар учун 80 дан ортиқ пластик ўйинчоқлар ишлаб чиқараётган "Toys-Plast" МЧЖ эзгу мақсадларни ўз олдига қўйган. Ҳозир корхонада 50дан ортиқ ходим фаолият олиб бормоқда. Уларнинг катта қисмини коллеж битирувчилари ташкил этади.

— Авваллари болаларимиз учун ўйинчоқлар чет элдан келтириларди. Истиқлол шарофати билан юртимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Биз ҳам бу имкониятдан унумли фойдаландик. 2009 йилда мазкур МЧЖни ташкил этиб, ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — деди корхона раҳбари Акром Музаффаров.

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

**Туҳфа**

***Сўнгги йилларда меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини велоспортга жалб этиш орқали соғломлаштириш ишларини янги, янада юқори поғонага кўтариш муҳим аҳамият касб этаяпти. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳаваскор велоспортчилар ўртасида "Касаба тур" веломарафони ташкил этилмоқда. Биргина ўтган йили Самарқанд вилоятида корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида ташкил этилган турнирда 2500 нафар ҳаваскор қатнашди.***

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ

Самарқанд шаҳри кейинги икки йилда икки бор ёш велоспортчилар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатига мезбонлик қилди. Бултур ўтказилган баҳсда Қозоғистон Республикасидан ҳам 50 нафар ўсмир иштирок этди. Бундан ташқари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, вилоят велоспорт Федерацияси ва "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорлигида "Камолот-тур" ёшлар веломарафони уюштирилди. Унда ҳудуд ёшларининг 400 нафари ғолиблик учун баҳслашди. Ўтган йилдан буён йирик автомобил гиганти "Самавто" МЧЖ велоспортчиларга ҳомийлик қилиб келмоқда. Жумладан, Велоспорт Федерацияси моддий имкониятини ошириш, зарур спорт воситалари билан таъминлаш мақсадида 50 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Спортнинг мазкур тури истиқболини таъминлашда касаба уюшмалари кўмаги алоҳида эътирофга лойиқ. Самарқанд шаҳридаги "Динамо" стадионида касаба уюшмалари ва велоспортчилар ўртасида ташкил этилган учрашув ҳамкорликнинг кундан-кунга ривожланиб бораётганининг ўзига хос тасдиғи бўлди.

— Вилоятимизда велоспортнинг шоссе, трек турлари билан муттасил шуғулланиб, ўзларини танитган 40 нафардан ортиқ спортчи бор, — дейди велоспортчи Рустам Аббосов. — Ўйлайманки, ёшларимиз халқаро трассаларда ўзларини кўрсатадиган пайт келди.

Тадбир асноси велоспортчилар ўз маҳоратини намойиш этишди. Шундан сўнг ЎзКУФК раиси Т.Нарбаева велоспорт билан шуғулланувчи ёшларга 20 дона спорт велосипеди ва спорт анжомларини топширди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**"Ishonch" мухбири**

# ҲАРБИЙЛАР ШАРАФЛАНДИ

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

— Тинчлик ва осойиштлик учун хизмат қилиш шараф, — деди учрашувда сўз олган аскар Б.Муҳитдинов. — Биз аскарлар ана шундай имкониятга эга бўлганимиздан фахрланамиз. Юрт қорига ярашдан ортиқ бахт борми...

Тадбирда ҳарбий қисмга касаба уюшмалари томонидан ажратилган замонавий, сўнгги русумдаги телевизор топширилди. Хизмат бурчини виждонан адо этиб, шахсий намуна кўрсатиб келаётган бир гуруҳ аскарларга жамоат ташкилотининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

Сержант Мурод Жўраев бир неча йил аввал Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўшинлари муҳандислик билим юртини тамомлаган. У хизмат мобайнида ҳамкасбларига ўрнак кўрсатиб, ўзига ишониб топширилган вазифани нуқсонсиз адо этишга интилди. Муроднинг ўз олдига қўйган мақсад ва режалари кўп эди. Тасодиф ва саломатлик умидлар ушалишига монелик қилди. Аммо у ўзини ҳеч маҳал ёлғиз ҳис этгани йўқ. Давлатимиз, жамоатчилик собиқ ҳарбий ва унинг оиласини муттасил қўллаб-қувватлаб келаётир. Маданий-маърифий тадбир иштирокчилари Мурод Жўраев истиқомат қилаётган "Ватанпарвар" маҳалласида бўлиб, бу ерда ҳам учрашувлар ташкил этишди. Собиқ ҳарбийлар Мурод Жўраев ва Алишер Юсуповга касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Ҳарбийларнинг шарафли, масъулиятли вазифасини яхши англайман. Турмуш ўртоғим хизматдалигида уни тушунишга, ҳар жиҳатдан ёрдам беришга интилишни ўз бурчим деб билдим, — дейди Пастдарғом туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси Баҳора Напасова. — Ҳаётда шундай инсонни йўлдошликка танлаб, ўйлайманки, асло адашмадим.

**Ўз мухбиримиз**

**Ўқув-семинар**

***Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари Республика кенгаши томонидан жамоа шартномасини тузиш ва унинг афзалликларига оид ўқув-семинар ташкил этилди.***

# МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Маълумки, меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида ижтимоий шерикчилик тамойиллари асос қилиб олинганлиги учун ҳам жамоа шартномаларининг таъсирчанлиги ошиб бормоқда. Семинар доирасида жамоа шартномаси афзалликлари, мазкур ҳужжатда акс этиши лозим бўлган меъёрий талабларга эътибор қаратилди. Шунингдек, яқинлашиб келаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг аҳамияти, унга тайёргарлик кўриш хусусида сўз юритилди.

Жамоа шартномаларининг амалдаги қонун ҳужжатларига, жамоа келишувларига мувофиқлигини таъминлаш, ходимларнинг иш ҳақи тизими, тариф ставкаси миқдори, мукофот, меҳнат таътилларининг муддати, меҳнат муҳофазаси ва бошқа масалалар слайдлар воситасида тушунтириб ўтилди.

Ўқув-семинар якунида иштирокчилар ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тартиби бўйича фикр алмашишди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**"Ishonch" мухбири**

**Нодавлат секторда**

# ЭЛ СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА

***Чироқчи тумани марказида UMDC — "Universal medical diagnostic center" кўп тармоқли ташхис марказининг иш бошлаганига ҳеч қанча вақт ўтмаганига қарамай, малакали шифокорларнинг аҳоли саломатлигини таъминлашдаги фидойилиги туфайли, унинг таърифи деярли барча қишлоқларга етиб борди. Пойтахтдан таклиф қилинган мутахассислар, замонавий ташхис аппаратлари, шифо топаётган беморларнинг миннатдорчиликлари...***

— Чироқчининг узоқ тоғли қишлоғида ўсганим боис отам-онам, қариндошларим бемор бўлганда қийналганини кўриб, жуда таъсирланганман, — дейди шифохона таъсисчиси Турдимурод Шукуров. — Юртимизда тадбиркорларга яратилган шароитлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар туфайли 2013 йил апрел ойида марказимиз ишга тушди. Умумий даволовчи шифокор Абдиқодир Муҳамедов, врач-гинеколог, тажрибали УТТ мутахассиси Назира Эшонова, физиотерапевт Шарифа Ортиқова муолажаларидан халқ мамнун. Қувонарлиси, ортда қолган давр мобайнида 37 та оилада бешик тўйлари бўлиб ўтди.

Беморларнинг ётиб даволаниши учун 30 ўринли клиника ҳам фаолият кўрсатяпти. Бунинг натижасида касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан бир нечаси ишли бўлди. Муҳими, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шифохонада касаба уюшма қўмитаси тузилди.

— Ушбу хусусий шифохонадаги врачлар ва ҳамшираларнинг ширинсуханлиги, муолажалари ортидан дардимга шифо топдим, — дея ўз дил сўзларини ёзади "Ҳайиткўл" фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи Ўрол Пардаев. — Клиниканинг барча ходимларига, жумладан, қўли енгил ҳамширалар Зарифа Ҳасанова, Зебохон Жамолова, шифокор Абдиқодир Муҳамедовга ва тиббиёт марказини ташкил қилган Турдимурод Шукуровга миннатдорлик билдираман.

Эзгуликнинг чегараси йўқ. Мутахассислар ташаббуси билан махсус жиҳозланган кўчма машина ташкил этилиб, туманнинг узоқ Қуруқсой, Лангар, Тўлакўл қишлоқлари аҳолиси тиббий кўрикдан ўтказилди ва қўйилган ташхислар юзасидан муоалажалар олиб борилди.

Режалар кўп. Сўлим ва баҳаво Лангар ота қишлоғида санаторий типидаги соғломлаштириш мажмуасини қуриш учун пойдевор қўйилди. Бу ердан қайнаб чиқадиган Бошманбулоқ булоғининг таърифини эшитмаган киши кам бўлса керак. Қурилажак мажмуага шу булоқдан сув олиб борилади. Мажмуани жорий йилда ишга тушириш мўлжалланаётир. Туман ҳокимлиги ва тиббиёт бирлашмаси зарур ёрдамини аямаяпти.

**Акмал АБДИЕВ,**
**"Ishonch" мухбири**

**Фаолиятга назар**

***Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан ўтган йилда меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.***

# САМАРАДОРЛИК

Тармоқ корхона ва ташкилотларида байрамларда концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, учрашув ҳамда "Муқаддассан, аёл", "Наврўз таомлари", "Сумалак сайли" мавзуларида маданий-маърифий тадбир ва танловлар, фахрийлар иштирокида "Хотира — абадий, жасорат — мангу", "Уч авлод учрашуви" каби давра суҳбатлари уюштирилди.

Истиқлолнинг 23 йиллиги муносабати билан тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан уюштирилган «Маънавият соатлари» орқали барча жабҳаларда эришилган ютуқлар ва кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка етказилди.

Меҳнаткашларни қадимий шаҳарлар тарихи ва ёдгорликлари билан яқиндан таништириш мақсадида саёҳатлар ташкил этилди. Ёзги мавсумда Республика кенгаши тасарруфидаги 5 та болалар оромгоҳида кўрик-танловлар, таниқли ёзувчи-шоирлар билан учрашувлар ўтказилди.

Меҳнаткашлар, айниқса, хотин-қизларни спортга жалб этиш мақсадида "Андижон биокимё заводи", "Жиззах Пластмасса", "Самарқандкимё" АЖлар, "Фарғона кимё заводи" МЧЖ касаба уюшмалари томонидан спартакиадалар, оилавий мусобақалар ташкил этилиб, уларда 500 дан ошиқ ходим куч синашди.

**З.ЎРИНБОЕВ,**
**Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси**

# АСКАР — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

***Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Самарқанд шаҳридаги автомобил йўллари касб-ҳунар коллежида "Аскар — маҳалла меҳмони" номли маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 50 нафарга яқин аскар, "Эски Хозора" маҳалласи фаоллари иштирок этди.

— Кўзлари ёниб, вужудидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган аскар йигитларга қараб ҳавасинг ортади, фахрланиб кетасан, — дейди маҳалла фаолларидан бири бўлган Орзубек ака. — Бир замонлар биз ҳам аскар бўлгандик...

Санъаткорлар чиқиши учрашувга файз киритди. Шунингдек, Самарқанд Олий ҳарбий автомобил муҳандислик билим юрти, Н-сонли ҳарбий қисмда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Учрашувларда ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Сардор Якубов иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**

**Танишинг: журналнинг янги сони**

# ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий журналининг 2014 йилдаги 4-сони Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган. Журнал Бош Қомусимизнинг давлат ва жамият ҳаётини ҳуқуқий демократик асосда барпо этиш борасидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган "Ёруғ келажагимизнинг ҳуқуқий асоси" сарлавҳали бош мақола билан очилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонованинг «Хотин-қизларнинг ҳаётдаги ўрни ва ижтимоий-сиёсий нуфузини ошириш йўлида", Тошкент Давлат юридик университети доценти Ҳайдарали Муҳамедовнинг "Конституция ва қонун устуворлиги ҳуқуқий давлат белгиси", Конституциямизнинг мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида тутган ўрни, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга ошириш борасидаги аҳамияти атрофлича таҳлил этилган.

Маълумки, ўтган йили "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилаларнинг моддий асосини мустаҳкамлаш, ишлаётган аёлларнинг меҳнат муҳофазасини талаб даражасида ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу жараёнда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаеванинг "Меҳнат муносабатларининг ишончли муҳофазаси" сарлавҳали мақоласида шу ҳақда сўз юритилади.

"Хорижий мамлакатлар тажрибаси" рукни остида эълон қилинган Европа геосиёсат академияси бош директори, Сорбонна университети профессори Жан-Антуан Дюперанинг "Францияда давлат тизимининг принциплари ва мураккаблиги" сарлавҳали мақоласи журналхонларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Журналнинг ушбу сонида ҳам ҳар галгидек жамият ва шахс муносабатларига алоҳида эътибор берилиб, мавзуга оид таҳлилий мақолалар эълон қилинган. Шунингдек, "Фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя" рукни остида замонавий технологиялар ривожланиши шароитида миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, глобаллашув, интернет тармоқлари тизимининг ривожланиши каби масалаларга бағишланган мақолалар ҳам муштарийларни эътиборсиз қолдирмайди.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**



***Тахтакўпир қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ўтказилган "Аскар оналарини шарафлаймиз" мавзуидаги кечада аскарларнинг ота-оналари фарзандлари Ватан ҳимоячилари сафига қўшилганидан ғурурланиб гапиришди.***

# МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

— Ушбу тадбирнинг аҳамияти катта, — деди коллеж касабақўм раиси Зарафшон Идрисова. — Йигитларимизни эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчларини сидқидилдан, шараф билан бажаришга ундаш улар қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтирди. Айниқса, ўқувчиларнинг ҳамкор ташкилотлар, туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари билан жонли мулоқоти қизиқарли кечди.

Тадбирда коллеж ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан ташкил этилган "Мардлар қўриқлайди Ватанни!" китоблар кўргазмаси кўпчиликнинг эътиборини тортди. Коллеж ўқувчилари тайёрлаган концерт дастури барчага манзур бўлди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

**ФАКТ ▶ Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 1991 йилдаги 14 фоиздан бугунги кунда қарийб 25 фоизга ўсди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг улуши 34 фоиздан 17 фоизга камайди.**

